

«Навоийазот» АЖ рақамларда: транспорт ва логистика

// 30.10.2024

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/navoiyazot-azh-raqamlarda-transport-va-logistika>



Бугунги кунда "Навоийазот" АЖда автотранспорт воситаларининг умумий сони 165 тани ташкил этади. Уларнинг 78 таси юк, 28 таси енгил автомобиллар, 23 таси автобуслар, 36 таси эса махсус техникалардан иборат.

Бундан ташқари корхона ҳисобида 53 та трактор, 8 та пайвандлаш агрегати, 20 та электро ва автопогрузчик, 5 та компрессорлар мавжуд бўлган автотранспорт цехи ҳам фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 1 106 658 тонна кимёвий маҳсулотлар 18 073 дона вагонлар орқали ташилиб, харидорларга етказиб берилди ҳамда 84 141 тонна юк корхонага 1 237 дона темир йўл вагонлари орқали олиб келинди.

Корхонада махсус автотранспорт воситалари ва механизмларига бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш ҳамда автотранспорт паркини янгилаш мақсадида 2 дона 25 тоннали автосамосвал ва 2 дона гидроболғали экскаваторлар сотиб олинди.

«НАВОИЙАЗОТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ